

Jarayon.com: Бишкекда ғойиб бўлган Шуҳрат Мусин Андижон қамоқхонасида

🕒 13 Апрель 2013



🔗 Баҳам кўринг

Муҳожиротдаги инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш "Ўтюралар клуби"нинг интернет саҳифаси Jarayon.com хабар қилишича, бундан қарийб икки ой олдин Бишкекда йўқолиб қолган ўзбекистонлик қочқин Шуҳрат Мусин Андижон қамоқхонасида сақланмоқда.



Бу ҳақда Шуҳрат Мусиннинг қариндошлари хабар берганлар.

Jarayon.com га кўра, "Шуҳратнинг Андижонда яшайдиган холаваччаси 15 суткага қамалиб қолибди. Озодликка чиққач эса у Шуҳратнинг ҳозирда Америкада қочқинликда яшаётган ота-онасини ўғиллари ўша қамоқхонанинг ертўласида сақланаётганидан хабардор қилибди".

29 ёшли Ўзбекистон фуқароси Шуҳрат Мусин ва унинг оиласи аъзолари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Қочқинлар бўйича агентлиги ҳужжатига эга бўлганлар.

Оиласи аъзоларига кўра, Шуҳрат Мусин шу йилнинг 18 феврал куни Бишкек шаҳрида бедарак йўқолган.

Яқинларининг айтишларича, ўша куни Шуҳрат Мусиннинг мобил телефониға қўнғироқ бўлган, у қўнғироқ қилган киши билан учрашмоқчи бўлиб уйдан чиққан ва шундан кейин дараксиз кетган.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ташкилотлари Шуҳрат Мусиннинг ғойиб бўлганидан бонг урдилар.

Унинг Ўзбек махсус хизматлари томонидан Қирғизистондан ўғирлаб кетилгани ҳақидаги хавотирлар билдирилди.

Ўзбекистон ҳуқуқ-тартибот органлари андижонлик қочқинни конституцион тузумга тажовуз қилиш ва Ўзбекистон Исломий ҳаракатига аъзоликда айблаган.

Бироқ инсон ҳақлари ташкилотлари Шуҳрат Мусинга Ўзбекистонда қўйилган айбловлар сохталигини таъкидлаб келишади.

У 2008 йилда Ўзбекистондан чиқиб кетишга мажбур бўлган.

Ўзбекистон ҳуқуқ-тартибот органларининг талаби билан Қирғизистон хавфсизлик қўмитаси Шуҳрат Мусинни 2010 йил октябрида ҳибсга олган, бироқ БМТ Қочқинлар бўйича комиссарлиги ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ташкилотларининг аралашуви билан 2011 йил февралда қўйиб юборилган эди.

Шуҳрат Мусин Андижон қамоқхонасида сақланаётгани ҳақидаги хабар тарқалиши муносабати билан "Ўтюралар клуби" раҳбари Мўътабар Тожибоева Қирғизистон расмийларини инсон ҳуқуқларини поймол этишда ҳисса қўшаётганликда айблаган.

"Шуҳрат Мусин бугунги кунда Ўзбекистонда, аниқроғи, Андижон тергов ҳибсхонасида эканлиги, биринчидан, Қирғизистоннинг Ўзбекистон ҳукумати вакилларининг қочқинни ўғирлаб кетиш жиноятига шерик эканлигини исботласа, иккинчидан, Мусин аллақачон қийноқ қурбонига айланганлигини исботлайди", деган Мўътабар Тожибоева.

Бу ҳикояни баҳам кўринг Баҳам кўриш ҳақида



[Тепага қайтиш](#)

Алоқадор интернет саҳифалари

"Ўтюралар клубининг Jarayon.com веб-сайти

BBC ташқи интернет саҳифалар учун масъул эмас

Бошқа мавзулар [>](#)



"Сурияга чиқиш визаси учун пора олган"

🕒 10 Июл 2016



Шоу- бизнесда Гулнора Каримовани "соғинишган"

🕒 10 Июл 2016



40 даража жазирамада деҳқон уйида ўтирсинми?

🕒 8 Июл 2016

Муҳаррир танлови



Жаҳон Чемпионати-2018: Ким ғалаба қилади? BBC News ўйини билан бир башорат қилиб кўринг



Москвадаги ўзбеклар: "Пулсиз қолдик, қарзга ботдик..."



Собиқ уйсиз дунёни очликдан қандай қутқармоқчи?



Дунёда мисли кўрилмаган тажриба: Ўзбекистон Орол денгизи тубини ўрмонга айлантирмоқда



Инглизча «дунёнинг сеvimли тили» бўлиб қола оладими?



Рўзанинг танамизга таъсирини биласизми?



Би-Би-Си охири замон ҳақида хабар берди(ми?)

Энг кўп ўқилган

- Каттақўрғон милицияси раҳбарларига чора кўрилди **1**
- "Менинг исмим Жиход" **2**
- Россия, Москва, футбол, ЖЧ-2018: Франция жаҳон чемпиони **3**
- Ўзбекистон: Мирзиёев кадрлар сиёсатининг 'пойдевори қийшиқ' **4**
- Ўзбекистон E-Visa тизими ишга туширилди **5**

Би-би-си Ўзбек хизмати Интернетда

Facebook

Twitter

YouTube

Мой мир

Google+

Telegram

Одноклассники

Instagram

Хизматлар



RSS

News

Sport

Weather

Radio

[Foydalanish shartlari](#)

[BBC haqida](#)

[Shaxsiy ma'lumot siyosati](#)

[Cookies](#)

[Accessibility Help](#)

[Parental Guidance](#)

[Bi-bi-si bilan bog'laning](#)

[Get Personalised Newsletters](#)

[Биз билан реклама қилинг](#)

[Реклама танлови](#)

Copyright © 2018 Би-би-си. Bi-bi-si tashqi saytlar uchun mas'ul emas [Tashqi saytlar linklariga munosabatimizga doir](#)